

# Хабар

36  
(1042)-son  
7-sentabr  
www.xabar.uz  
info@xabar.uz  
2012

О'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqqa boshlagan

## Эркин Ватан, хур Ватан!



**И**нсониёт ҳаёти орзу-умидлар, эзгу-ниятлар ва уларнинг рўёби йўлидаги сазй-ҳаракатлардан иборат. Ҳар бир юрт, ҳар бир мамлакат эса, келажак сари одимлаб бораркан, ўз олдига муайян гоё ва мақсадларни қўяди. Иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий жиҳатдан юксалиш, халқнинг турмуш тарзини яхшилаш, фаровон келажакни яратиш каби вазифалар шулар жумласидандир. Бироқ, бу борада ҳамма давлатлар ҳам ўзи кўзлаган марраларга етавермайди. Бунинг учун энг аввало ўз тараққиёт йўлини тўғри белгилай олиш ва ана шу йўлдан оғишмай, қатъият билан илгарилаш зарур. Бугун курраи заминда икки юзга яқин давлат мавжуд бўлса, улар орасида ривожланган мамлакатлар бармоқ билан санарли.

2-бет

### Сўнги янгилик!

Жорий йилда 4G (LTE) абонентлари сони жаҳонда 73 миллион нафардан ошади.

IHS iSuppli компанияси хулосаларига таянадиган бўлсак, умумжаҳон LTE абонентлари сони бу даврда 334 фозга ўсиб, 16,9 млн.дан 73,3 млн.га кўпаяди.

Ҳисоб-китобларга кўра, тўртинчи авлод мобил тармоғи 1 миллиардлик ўзига хос довонга 2016 йилда кўтарилди.



### Ушбу сонда:

■ Янги технологиялар — янги хизматлар	3
■ Алоқа оламида	4
■ Саодатли йиллар шукуҳи	5
■ Анонс основных мероприятий недели ИКТ INFOCOM 2012	6
■ Режали текшириш натижаси	12
■ Ойдин орзулар	14

## Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ислам Каримов  
Қозоғистон Республикаси  
Президенти Нурсултон Назарбаевнинг таклифига биноан 2012 йил 6-7 сентябр кунлари расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлди. Учрашув ва музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий бовида 31 август куни мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан байрам тантаналари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов халқимизни Мустақиллигимизнинг кутлув йиғирма бир йиллик байрами билан муборакбод этди. Байрам тантаналарида санъатимиз усталари, истеъдодли ёшлар, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари томонидан Ватан, Истиқлолни тараннум этувчи энг сара кўшиқлар, гўзал рақслар ижро этилди.

Жорий йилнинг 31 август куни Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида Ватанимиз озодлик ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни хотирлаш маросими ўтказилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди. Шу куни Давлатимиз раҳбари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Пойтахтимизда 2012 йилнинг 30-31 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Сенатнинг икки кунлик мажлисида 24та масала, шу жумладан, демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган, амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни янада оширишнинг қудратли омил бўладиган 9та қонун кўриб чиқилди.

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 4 сентябр куни Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилди.

Вьетнамнинг Тошкентдаги элчихонасида мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Брифингда Вьетнамнинг Фавкуллода ва мухтор элчиси Ле Ман Луан Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасидаги ҳамкорлик аънанавий дўстлик, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик тамойиллари асосида изчил ривожланиб келаётганини қайд этди.



# Эркин Ватан, хур Ватан!

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Бу жихатдан ўз мустақиллигини қўлга киритганига эндигина йигирма бир йил тўлган Ватанимизга жахон ахли ҳавас билан боқаятгани бор гап. Бойси, қўхна тарих учун оний вақт хисобланган мана шу давр мобайнида барча соҳаларда амалга оширилган улкан ҳажмдаги ислохотлар самараси туфайли дунёнинг энг илғор демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгалламоқдамиз. Диёримиздаги тинч ва тотув, фаровон ҳаётни таъминлаш йўлидаги бунёдкорона меҳнат, мустақил юритилаётган ички ва ташқи сиёсат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари, энг асосийси, биз танлаб олган ўз йўлимиздан оғинамай, қатъий билан, дадил одимлаётганимиз эришяётган салмоқли ютуқ ва муваффақиятларимиз гарови бўлмоқда.

Қувонарлиси, онгу тафаккуримизда ҳам мутлақо янги дунёкарашни шакллантирган истиқлолнинг буюк моҳияти ва аҳамиятини, мустақиллик аталмиш улғу неъматининг ҳаётимизда туганган ўрни ва қадрини ватандошларимиз бугун янада теран идрок этмоқдалар.

Зеро, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқини, эркин ва озод ҳаётни, хурриятни осонликча қўлга киритганимиз йўқ. Мана шу ўта мураккаб йўлда қанчадан-қанча захмат мушаккатларга дучор бўлиб, оғир синовларни бошдан кечирганимиз тарихий ҳақиқат. Мухтарам Президентимизнинг маънавий жасорати ва матонати, қатъияти, меҳнаткаш халқимизнинг мустаҳкам иродаси ва фидойилиги туфайли, танлаган йўлимиздан орта чекинмаганимиз туфайли бугун озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамиятда муносиб яшаймиз. Жаҳон ҳамжамиятининг ҳақли эътирофига сазовор бўлган бундай улғувор янгиланишлар мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, тараққиёт-

нинг "ўзбек модели"ни белгилаб олиб, аниқ мақсад билан, чуқур ўйланган ислохотларни ҳаётга изчил жорий этишга йўналтирилган оқилона сиёсатнинг амалий ифодасидир.

Йигирма бир йилдирки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида изчил саъй-ҳаракатлар олиб бораётибиз. Албатта, бунда асосий моҳият ҳуқуқ устуворлигига, қонун олдида ҳамманнинг тенглиги принциpigа ҳамда ҳокимиятлар тақсимланиши тамойилигига таянлабидиган давлат бошқарувига қаратиб келинмоқда.

Шу боис мамлакатимизда миллий қонунчилик тизимини такомиллаштиришга қаратилган эътибор босқичма босқич, тадрижий равишда давом эттирилмоқда. Бинобарин, барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар негизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишдек эзгу мақсадлар мужассам. Фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясини таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз халқаро ҳуқуқий меъёрлар билан уйғунлашгани алоҳида аҳамиятга моликдир.

Шу маънода, йигирма бир йиллик тантанаси нишонланган мустақил мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи, обрў-эътибори ортиб бораётганлиги ҳар бир ватандошимизнинг кўксини осмон қадар юксакларга кўтарди.

Ҳа, инсон манфаатлари устувор бўлган жамиятимиз тараққиёти беш тамойил асосидаги изчил ислохотлар туфайли бекиёс марраларга юз тутди, ўзгаларнинг ҳавасини қилтирадиган даражада қамолотга эришди. Энг муҳими, юртимизда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон, ҳар жаҳада бунёдкорлик, яратил, яшнатиш, ободлик завқи ўзгача.

Жаҳондаги баъзи давлатларни кузатинг-а?! Бутун умри урушлару таҳликалар остида ўтаётган халқлар қам-

ми? Турли талотўплар, ғавғоларга тўла айрим давлатларда яшайётган одамларнинг энг катта орзуси — ўз уйида тинчгина яшаш экани айримларга балки эриш туюлар?! Аммо бутунги кунги хотиржамликда ўтганига шукр қилиб яшайдиган, эртаси ҳақида бирор тасавури бўлмаган минглаб инсонларнинг борлиги аччиқ ҳақиқат. Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, озод ва тинч Ватанимизда хотиржам ўтаётган умримизнинг нечоғли қадри эканини дилдан ҳис қиламиз. Зотан, Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига ёзилганидек, "Агар биз ахил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмас, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди".

Ватанимизнинг раванки, юртимизнинг осойишталиги-ю, истиқболимизнинг нурафшон бўлиши ҳар биримизга боғлиқ. Фақат атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ бўлмай, ҳар қандай вазиятга синчков муносабатда бўлиб яшаш фуқаролик бурчимиздир. Ўз уйимиз, маҳалламиз, шаҳримиз ёки қишлоғимиз, умуман, бутун диёримизнинг тинчлиги ўз қўлимизда. Дарҳақиқат, бундай жаннатмонанд юрт дунёнинг ҳеч бир ерида топилмайди. Зеро, Она Ватанини кўз қорачиғидай асрашга, ҳаминша оғоҳ бўлиш, эзгуликка, дунёни билишга, ўзлигимизни асрашга, қолаверса Инсон деган улғу номга муносиб яшашга интилимиз зарур. Бу порлоқ эртагимиз учун, фарзандларимиз қамолоти учун ҳам керак.

Ниятимиз эса, мустақиллигимиз мангу бўлсин, юртимиз қамолига ҳеч қачон кўз темгасин! Бахтли тақдиримизга эш бўлган эркин ва обод Ватанимиз бундан-да буюк марраларни забт этаверсин!

**Шухрат ДЕҲҚОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси депутаты

## Эътироф

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиалида Давлатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирни филиал директори вазифасини вақтинча бажарувчи Ориф Маҳмудов кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни истиқлол байрами билан муборакбод этди.

Республикаимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан меҳнатда алоҳида ўрнатқурсатган филиал пул ўтказмаларини назорат қилиш бўлими муҳандиси Нормул Шайманованинг "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ фахрий ёрлиғи билан тақдирланганлиги муносабати билан эсдалик совғаси ва пул мукофоти, шунингдек, почта алоқаси соҳасида узок йиллар самарали меҳнат қилган фахрий алоқа ходими Равшан Жўраевнинг 60 ёшини қарши олиши билан унга филиал маъмурияти ва қасаба уюшмаси қўмитаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Ахборотлашган жамият барпо этиш мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишлари сирасига киради, шунга мувофиқ равишда ахборот технологияларининг қамров доираси, қўлланилиш соҳалари кенгайиб бормоқда. Бунда мамлакатимизда қабул қилинган соҳага доир қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ҳукумат қарорлари муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2007 йил 23 январдаги "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида"ги қарорлари худди шу мақсадда қабул қилинган. Жойларда ушбу қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда соҳага эътиборни янада ошириш мақсадида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, "Ўзбектелеком" АКнинг Тошкент филиалида шу пайтга қадар эътиборга молик бир қатор лойиҳалар амалга оширилди, қолаверса, галдаги вазифалар ҳам салмоқли.

2011-2015 йиллар учун мўлжалланган "Вилоят телекоммуникация тармоғини истиқболли ривожлантириш дастури"га мувофиқ, тармоқни модернизация ва реконструкция қилиш, замонавий талабларга жавоб берадиган станцияларни тақомиллаштириш йўналишида бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Мисол учун, жорий йилнинг ўзида Хитойнинг "ZTE" компаниясида ишлаб чиқарилган MSAG русумидаги ускуналарни вилоят шаҳар ва туманларининг 10та масканига ўрнатиш режалаштирилган. Мазкур лойиҳа бўйича жойлар хозирланиб, қўшимча телефон қудуқлари тайёрланиб, оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди. MSAG ускуналари ихчам бўлиб, уларда DSLAM ва ADSL пор-

# Янги технологиялар — янги хизматлар



тлари мавжуд, шу ва бошқа жиҳатлари бу ускуналар орқали жаҳон андозаларига мос хизматлар кўрсатиш имконини беради.

Бугунги кунга келиб, Тошкент вилоятида интернет хизматига уланишлар сони 9400тани ташкил этмоқда ва бу хизматга талаб тобора ошиб борапти. Шундан келиб чиқиб, филиал тармоғида ўрнатилган DSLAM ускуналарининг умумий сивими 12500 портга етказилди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, жорий йилнинг биргина етти ойи давомида тезкор интернетдан фойдаланиш учун 2544 нафар абонент қўшилган. Вилоят бўйича 123205та телефон нуктаси ишлаб турибди, аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатилмоқда. Айти пайтда FTTH технологияси асосида Олмалик ва Ангренада қурилуш-монтаж ишлари олиб бориляпти.

Қишлоқлардаги АТСлар фаолиятини яхшилаш ҳамда қишлоқ жойларида яшайётган аҳолига кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифати ва ҳажмини ошириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кичик сивимли коммутация қурилмаларини босқичма-босқич ўрнатиш ишлари жадал олиб борилди. Қишлоқларга сивими 112, 160, 208, 320 рақамдан иборат "Эл-СГМ" рақамли коммутация қурилмалари кириб борди.

Айти пайтга келиб туманлар марказида ва қишлоқ ҳудудларида рақамлаштириш даражаси юз фоизни таш-

**Бугунги кунга келиб, Тошкент вилоятида интернет хизматига уланишлар сони 9400тани ташкил этмоқда ва бу хизматга талаб тобора ошиб борапти. Шундан келиб чиқиб, филиал тармоғида ўрнатилган DSLAM ускуналарининг умумий сивими 12500 портга етказилди.**

кил этади. Давлатимиз мустақиллигининг 21 йиллигини муносиб кутиб олиш учун "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиалининг ҳар бир ходими астойдил меҳнат қилди. Маълумки, 2012 йили "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси мамлакатимиз бўйлаб "Ягона ойна" тамойили асосида хизмат кўрсатувчи 80та савдо шохобчасини фойда-

ланишга топширишни режалаштирган. Ана шундай "Uztelecom" савдо офисларининг очилиш маросимлари Мустақиллик байрами арафасида Паркент, Пискент, Охангарон, Янгибозор ва Чиноз шаҳарларида бўлиб ўтди. Тантанали тадбирларда "Ўзбектелеком" АК раҳбарияти, шаҳар ва туман ҳокимлари, Тошкент филиали раҳбарияти ва бошқа масъул ходимлар иштирок этди.

Шу пайтгача вилоятнинг Олмалик, Бекобод, Янгийўл ва Тўйтепа шаҳарларида "Uztelecom" савдо офислари аҳолига хизмат кўрсатиб келаётгани.

Аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида, барча телекоммуникация хизматларини тақдим этувчи "Uztelecom" савдо офисларини вилоят шаҳарлари ва туман марказларида ташкил этишдек вазифалар ижросини бажариш ишлари қўламини кенгайтган. Ушбу савдо офислари миллий оператор томонидан тақдим этилаётган барча хизматлар, жумладан, интернет, CDMA-450 стандартидаги мобил алоқа, телефония, видеотелефония ва бошқа хизматлар бўйича масалаларни бир жойнинг ўзида осонгина ҳал қилишга хизмат қилади.

Йил охирига қадар Фазалкент ва Ангрена шаҳарларида ҳам янги "Uztelecom" савдо офисларини ишга тушириш режалаштирилган.

**Собит АҲАДОВ.**  
"Xabar" мухбири

## Яккабоғда "Ягона ойна"

Халқимизнинг энг азиз ва энг муқаддас бўлган байрами — мустақиллигимизнинг 21 йиллиги олдидан Яккабоғ тумани марказида "Ягона ойна" тамойили асосидаги универсал телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи савдо шохобчасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда туман фаоллари, ишлаб чиқариш илғорлари, кенг жамоатчилик вакиллари, жамоат ташкилотлари ходимлари, нурунийлар, туман телекоммуникациялар боғламалари бошлиқлари, алоқа корхоналари раҳбарлари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Маросимни "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали техник директори Жалол Назаров очиб, бу каби шохобчаларнинг туман аҳолиси учун хизмат қилиши ҳамда мижозларга универсал хизматлар тақдим этилишини таъкидлади.

Туман ҳокимининг ўринбосари Исомиддин Ҳамроев, Яккабоғ телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Баҳодир Дустқобилов ва бошқалар замонавий талаблар асосида қайта барпо этилган офиснинг шинам ва кўркамлиги, мижозларга телефон алоқаси, интернет, CDMA стандартидаги мобил алоқа хизматлари савдоси ва бошқа шу каби универсал телекоммуникация хизматлари кўрсатилишини айтиб ўтдилар.

"Ўзбектелеком" АК бош директори Махсум Махмудов



видеоонлайн орқали тадбир иштирокчиларини истиклол байрами билан табриклаб, вилоят алоқачилари билан мулоқот ўтказди.

**Мадина ЭГАМБЕРДИЕВА**

### Ярим йил ичида 4 800та ADSL-модем чиқарилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги қарорига ва "Ўзбектелеком" АК ва "ZTE" корпорацияси (Хитой) ўртасида 2011 йил 30 августда "Навоий" ЭИИЗда имзоланган Меморандумга биноан "Ўзбектелеком" АК учун DSLAM-ускуналар ва ADSL-модемларни ишлаб чиқарувчи технологик линиялар ишга тушганди.

2011 йили қиймати 150 млн. сўмлик 3 300дан ортиқ ADSL-модем ишлаб чиқарилган. Бу йилнинг 6 ойи давомида эса 4800та модем ишлаб чиқарилди. Модемлар компания абонентлари томонидан фойдаланилмоқда.

2012 йилда "Telecom Innovations" КҚда рақамли телевидение учун 50 000та Set-Top-Box ускунаси, 40 000та DSLAM ускунасини ишлаб чиқариш режалаштирилган.

## Xalqaro haqot



"Moody's Investors Service" xalqaro reyting agentligi katta йигирмалikka кирувчи давлатларнинг 2012-2013 йиллардаги иқтисодий ўсиш даражасини наст баҳолади. Экспертлар бу қарорни жахонда давом этаётган глобал молиявий таназул туфайли мазкур мамлакатларнинг ривожланиш истиқболлари анча ёмонлашгани билан боғлиқ эканини таъкидламоқда. Агентликнинг маълум қилишича, катта йигирмалик давлатларнинг 2012 йилдаги иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари қарийб 2,8 фоизни, 2013 йилда эса 3,4 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар кутилганидан анча кам.

ИСПАНИЯнинг бир қатор шаҳарлари ва худудлари кетма-кет инқирозга юз тутмоқда. Валенсия ва Мурсия шаҳарларидан сўнг Каталония ҳам таназулга учради. Хабарларга кўра, мамлакатнинг ўн етти шаҳри ичида Каталония 42 миллиард евро қарз билан ахвол энг танг худудлар сафидан жой олган. Айни кунларда Каталония мамлакат ҳукуматидан иқтисодий ёрдам сўрамоқда.

ЕВРОПАнинг энг ривожланган давлатларидан бири Германияда ишсизлик даражаси тобора ошиб бормоқда. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, айни вақтда ушбу кўрсаткич 6,8 фоизни — икки миллион саккиз юз мингдан ортиқ одамни ташкил этаётир. Минтақада тобора чуқурлашиб бораётган иқтисодий бўҳронлар оқибатида мазкур мамлакатда молиявий барқарорликка путур етмоқда, банклар катта миқдорда зарар кўрмоқда, кўплаб компаниялар иш ўринларини қисқартирмоқда, нарх-наво тобора ошиб борапти.

АҚШнинг кўплаб штатларида вайронгарчиликларга сабаб бўлаётган Исаак тўфони оқибатида қурбонлар сони кун сайин ортмоқда. Луизиана, Миссисипи штатларида фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Синоптикларнинг сўзларига кўра, яқин кунларда Миссисипи ва Огайо водийларидаги дарё сатҳининг кўтарилиши оқибатида янги сув тошқини юзага келиш эҳтимоли бор. Ноқулай об-ҳаво шароити ҳукм сураётган худудлардаги тўрт юз мингдан зиёд маҳаллий аҳоли электр таъминотисиз қолган.

РИМдаги машҳур Треви фаввораси вақтинча ўчирилди. Бунга унинг қайта таъмирлашга муҳтож ҳолатга тушиб қолгани сабаб бўлган. Треви Римнинг йирик фаввораларидан бири бўлиб, унинг баландлиги 25,9 метр, кенглиги эса 19,8 метрни ташкил қилади. Мазкур фавворани томоша қилиш учун дунёнинг барча давлатларидан кўплаб сайёҳлар ташриф буюради. Маълумотларга қараганда, ҳар йили бу фавворадаги сув тагидан тўққиз юз минг евро миқдорда сайёҳлар ташланган таъмирланади.

РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, 2100 йилга бориб Токиода аҳоли сони икки баробар камайд. Кексалар сони эса рекорд кўрсаткич — 45,8 фоизга ортади. Токио — Япониянинг аҳоли тез суръатларда ўсаятган шаҳарлардан бири. Бироқ аҳолишуносларнинг таъкидлашича, бундай ўсиш 2020 йилга бориб тўхтайд. Уша вақтда мамлакат пойтахтида аҳоли сони 13,3 миллион кишига етади.

ЧИКАГОдаги Лойола университети табиёт маркази ходими Жон Милнер совуқ чой инсон саломатлиги учун хавфли эканини аниқлади. Тадқиқотчининг таъкидлашича, совуқ чой таркибидagi моддалар одам буйрағида тош пайдо бўлишига олиб келади. Маълумотларга қараганда, АҚШ аҳолисининг ўн фоизни буйрақда тош йиғилишидан азият чекади. Жон Милнер бу касалликка мойиллиги бор кишилар учун муздек чой, айниқса, хавфли эканини айтмоқда. Мутахассислар жазирада сув ёки уй шароитида тайёрланган шарбат ичишни тавсия этади.

# Нуқта қўйилди...

Номдор компаниялар учун юқори даражали ўз доменларини очиш имконини берувчи New gTLD дастури доирасида "нуқтасиз" доменлар (dotless domain names) ҳам пайдо бўлиши мумкин, яъни сайт манзили ҳар қандай нуқталардан холи бўлади.



Техник жиҳатдан бу имконият чегараланмаган. Мазкур функция арех А (А-домен учун ёзув) протоколига асосланади. Шунга қарамадан, доменларни назорат қилувчи ICANN ташкилоти "Янги домен олишга ариза берувчилар учун қўлланма" да бу функцияни таъкидлади.

ICANN хавфсизлик ва барқарорлик қўмитасининг таъкидлаши-

ча, "нуқтасиз" доменларга рухсат этилмастлигига сабаб, аксарият дастурлар уларни локал тармоқдаги ваколатли хостга адаштириб юборишлари мумкин. Шунингдек, "нуқтасиз" доменларнинг ишлатилиши қидирув қатори манзил қаторига интеграциялашган янги браузерлар (масалан, Google Chrome) фаолиятини издан чиқариб юбора-


ди. Масалан, манзил қаторида "loreal" сўзи ёзилса, фойдаланувчи қайси маълумотни қидирипти: бренд бўйичами ёки .LOREAL домени бўйичами — браузер учун тушунарли бўлмайди.

"Нуқтасиз" доменларни таъкидлаш масаласи бўйича муурожаатларни ICANN 23 сентябрда кўриб чиқиб ўз хулосасини билдиради.

## АТ-хабарлар



Sun Microsystems компанияси асосчиларидан бири, айни пайтда йирик сармоядор Винод Хосланинг айтишича, замонавий табиётдаги ҳар 10та врачдан 8тасининг ўрнини роботлар, аниқроқи, махсус дастурий таъминот ўрнатилган, кенг табиёт маълумот базасига эга компютерлар эгаллаши мумкин экан. Унинг таъкидлашича, ҳозирги компютерлар аксарият шифокорларга қараганда аниқроқ таъхис қўймоқда. Замонавий юқори технологиялар соҳаси зиммасидаги вазифалардан бири эса янги авлод табиёт-таъхис тизимлари яратиш бўлиб қоляпти.



2012 йил охирига бориб, жаҳон сенсор экранлар бозори ҳажми 16 млрд. доллардан ошади. Бунда ноутбуклар ва "all-in-one" тоифали компютерларнинг ҳиссаси бекиёс бўлади. NPD DisplaySearch компанияси мутахассислари шу ўсишда бу кўрсаткич 2018 йилга бориб 31,9 млрд.га етиши мумкинлигини ҳисоблаб чиқиди. 2011 йили ноутбукларнинг 2 фоизи сенсорли бўлган бўлса, 2013 йил охирида сенсорларнинг ноутбуклардаги улуши 8 фоизга етиши кутилмоқда.



Christie's аукционлар суйининг хабар беришича, шахсан Стив Жобсининг имзоси қўйилган Apple 1 компютери октябр ойида савдога қўйилади. Бу компютер аввал сотилганидан уч баравар арзон (127 минг доллар) бўлиши тахмин қилинапти.

Мазкур туркум компютерлари 1976-1977 йилларда қўлда йиғилган бўлиб, бир донаси 666,66 доллардан сотилган.



Австралия Миллий университети мухандислари ўта юқори тезликдаги оптик квант тармоқлари устида иш олиб боришпти.

"Оддийроқ айтганда, технология квантларнинг "тектисланиши" — иккита квант фотони тўлиқ тенглашиши ва синхрон равишда турли омиллар таъсирида, ҳатто минглаб километр олисликда бўлса ҳам, ўзгартиришга асосланган. Нағижда жуда кенг диапазондаги маълумотларни лаҳзада узатиш мумкин бўлади. Бошқачароқ ифодалаганда, буни квант маълумотлари телепортациясига ҳам ўхшатиш мумкин", — дейди квант фанлари факултети аспиранти Сейжи Армстронг.



Digitimes онлайн на шрининг хабар тарқатишича, нетбуклар ишлаб чиқаришда етакчи икки йирик компания — Asustek Computer ва Acer мазкур бизнесдаги фаолиятини тўхтатмоқчи. Мазкур ҳолатга планшет ва ноутбуклар билан тенгсиз рақобат сабаб қилиб кўрсатиляпти.



Наушниклар эшитиш қобилиятимизга худди ишлаб турган реактив двигател каби зарар еткази.

Лейчестер университетида ўтказилган тадқиқотларда аён бўлишича, наушникда баланд овоздаги мусиқани тинглаш нафақат кулоқнинг вақтинчалик эшитмаслиги ва шангиллашига олиб келади, балки асаб хужайраларининг қошлагими ҳам шикаст етказаркан. Олимлар эса наушникдаги баланд овозни реактив двигателликка тенглаштиришмоқда.

Аксонлар — кулоқлардан миёга сигнал етказувчи асаб хужайра-нейронлари бўлиб, ҳимояловчи миелин қобилига эга. Қаттиқ товуш, масалан, 110 децибелдан юқори шовқин бу қобилининг глбал хужайраларини узиб юбориши мумкин, оқибатда асаблар ахборотни миёга самарали етказиш қобилиятини йўқотади.



Шаҳримиз тарихи Бухоро, Хива, Самарқанд сингари қадимий манзиллар ўтмиши билан бемалол бўйлаша олади. Ёки бундан ўн йил муқаддам унинг 2500 йиллик юбилей кенг нишонланганлиги фикримизга ёрқин далилди. Ана шу қутлуғ сана сабаб Термиз шаҳри қиёфаси тубдан ўзгарди. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган археология музейининг гүмбазли биноси амфитеатр, темир йўл вокзали, замонавий теннис корти, "Алпомиш" кураш мажмуаси Термизийлар юртига ўзгача кўрк бахш этди.



## Кенг уйнинг қувончлари кўп

Бу каби бунёдкорлик ишлари кейинги йилларда ҳам жадал олиб боришмоқда. Ўтган даврда Ал Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат мемориал мажмуалари, Қирққиз, Кокилдор ота, Қоратепа ва Фаёзтепа обидалари қайтадан зийнатланиб, хоржилик сайёҳларнинг ҳам нигоҳини тортишмоқда. Беvosита истиқлол шарофати билан рўй берган туб ўзгаришларга тўхталиб ўтишимнинг боиси шундаки, яратилган иншоотларнинг барчаси замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда рақамли телефон хизматидан тўла баҳраманд этилган. Бу хайрли иш асосан филиалимиз ходимлари томонидан амалга оширилди. Жамоамиз аъзоси, тажрибали электромонтёр Нурбой Юсупов самарали хизматлари учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқа ходими деган фахрли унвон соҳиби бўлди.

2010 — Баркамол авлод йили жамоамиз учун чинакамига синов даври бўлди. "Баркамол авлод" спорт ўйинлари мусобақасининг республика финал босқичи Термизда ўтказилиши муносабати билан бир неча истиқлол иншоотлари фойдаланишга топширилди. Хусусан, янги "Сурхон" спорт мажмуасига алоҳида алоқа кабели тортилди. Термиз олимпия захиралари коллежига ўрнатилган восталар тўлиқ интернетга уланди. Бу эса ёшларнинг спорт байрами кундалиги-

дан тайёрланган ахборотларни тезкорлик руҳида оммавий ахборот воситаларига узатишда муҳим аҳамият касб этди.

Истиқлол йиллари вилоят алоқа корхоналарида бошланган ислохотлар шаҳримизда биринчилар қатори самара берди. Электрон рақамли телефон ўз афзалликлари билан миқозларни мамнун этди. Энди улар нафақат коммутатор кўмагисиз манзил билан улана бошлашди, балки ўндан зиёд қўшимча хизмат турларидан ҳам кенг фойдаланишга эришишди. Айни пайтда филиалимиз 21 миңдан зиёд обуначига тезкор хизмат кўрсатяпти. Кўплаб оилалар интернетга уланиб, дунёни кузатиб боришмоқда. Шу билан бирга уларнинг айримлари интернет воситасида ўз билимларини ошириб, тадбиркорликни йўлга қўйиш учун хоржидан ҳамкор топмоқда. Баъзилари эса узоқ юртларда тахсил олаётган, онлавий яшаб ишлаётган фарзандлари билан худди уйда ўтиргандай яқин мулоқотда бўлишмоқда.

Жорий йилда Жарқўрғон ва Денов телекоммуникациялар бовламалари қатори филиалимиз қошида ҳам "Ягона ойна" маркази фаолият кўрсата бошлади. Бу янгилик шаҳардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларни беҳад қувонтириб юборди. Улар

марказга келиб, солиқ ва коммунал тўловларни тўлашяпти. Бир сўз билан айтганда, филиалимизнинг "Ягона ойна" маркази ҳар кунги шаҳарликлар хизматиди.

Термиз шаҳри бўйлаб кенг қўлаб олиб борилаётган ободончилик ва бунёдкорлик ишлари филиалимиз ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Хозир кўп қаватли бинонинг олди қисми кўрк очиб турибди. Шакл берилган манзарали дарахтлар ва гул қўчатларига боққан кишининг бахридилди очилади. Яқинда ишхонамизнинг ички қисми ҳам капитал таъмирдан чиқарилди.

Мустақиллик ҳамюртларимизга, қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, ҳуқуқий саводхонликни, эркин фикр билдиришни ҳам ўргатди. Шу маънода филиал маънавият ва маърифат хонасини замонавий жиҳозлашга қатта эътибор қаратди. Бу ерга ташириб буюрган ходимларимиз давлатимиз рамалари, миллий истиқлол ғояси ҳақида маълумотларга эга бўлишмоқда. Маънавият ва маърифат хонасининг мўъжазгина кутубхонасидан фойдаланишмоқда. Китоб жавонидан Президент асарлари, бадий адабиётлар, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" тўплами жой олган.

Мамлакатимиз истиқлолининг 21 йиллик байрами кутиб олинаётган айни бир чоғда жамоамиз яна бир хайрли ишни бошлади. Шаҳар бўйлаб оптик толали алоқа кабели тортилмоқда. Мавсумни октябр ойида яқунлашга қатъий аҳд қилганмиз. Шундан сўнг мавжуд тўртта алоқа телефон станцияси қуввати янада ошиб, хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгайди. Хозирга қадар бошланғич тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди.

...Боболаримиз айтган бир доно гап бор: "Кенг уйнинг қувончлари кўп", Дарҳақиқат, туғилиб ўсган, камол топган заманимиз бағри кенг. Бу уйда турли миллат вакиллари елкама-елка туриб, қўлни-қўлга бериб, мустақил Ватаннинг буюк келажаги сари интилмоқда. Шу соғлом ниятили сафда борлигимиз билан ҳар қанча гурурлансан ва фахрлансан арзийди. Негаки, унинг қувончлари чиндан-да кўп! Илоҳим, барқарор тинчлигимиз ҳамда абадийликка дахлдор мустақиллигимизга асло кўз тегмасин!

Давронбек УЛАШЕВ,  
"ЎЗИ-Термиз" филиали директори

Она юртимиз — Ўзбекистонимизнинг 21 йиллик тўйи арафасида хонадонимизга чексиз шоду хуррамлик бўлиб "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг фахрий ёрлини билан муқофотланганим ҳақидаги хушхабар кириб келди. Шундай севиндикми, бу хушхулликни қай сўз, қай калом билан ифода этишга тилим ожиз. "Қирқ йиллик ҳалол меҳнатларингиз учун раҳмат!" дейишди филиалимиз раҳбарлари.

Чиндан ҳам қирқ йилдан бунён бир жойда, битта лавозимда ҳормай-толмай ишлаб келяпман. Агентлигимиз, жамиятимиз раҳбариятларининг мен, оддий хабарчига берган эътиборидан беҳад мамнун-

## Орзулар ижобати

ман. Биздан ҳам кўра фарзандларимиз — Дилрабо, Дилшод, Фотима ва Хусанжонларнинг қувонганларини айтмайсизми. Бошлари қўкка етди. Набиралар "Мен ҳам алоқачи бўламан!" дея бир қувончимизга ўн қувонч қўшишди. Дилфуза Шохназарова, Илёс Ботиров каби шоғирлар ҳам бирин-кетин келиб табриклашмоқда. "Сиздан сизидил ишлаб, меҳмурувват йўлида яшашни ўргандик. Мингта кириб, устоз" деган миннатдорликларини эшитиш, кечати-на ўрта махсус таълим олиб, ёнимда иш бошлаган шоғирларнинг бугун олий маълумот олиб, ўзимдан ўзиб кетганларини кўришнинг ўзи қатта давлат. Бундай дорилмомон кунларга етказганига шукр. Бу муқофот ана шу астойдил қилганган меҳнату амалларимга берилган баҳо бўлса не ажаб!

"Она юртим, оилам" дея тер тўққан кишининг кадр-қиммати тўхтовсиз ошиб борадиган жаннатмакон Ўзбекистоннинг бахтиёр фуқароси эканлигидан бахтиёрман. Ҳаммага ҳам мен каби меҳнатлари роҳатини кўришлик насиб этсин!

Алджон ШОМУРОТОВ,  
Бешариқ почта алоқаси тармоғи хабарчиси

## Саодатли йиллар шуқуҳи

Қарши ахборот технологиялари коллежи 2005 йилда ташкил топган бўлиб, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлаб келмоқда. 30га яқин фан кабинетлари, спорт ва фаоллар зали ўқувчилар ихтиёрида. Бешта йўналиш бўйича 2011-2012 ўқув йилида 352 нафар ўқувчи коллежга тамомлаб, уларнинг аксарияти вилоятдаги алоқа корхоналарида уч томонлама шартномага мувофиқ мустақил фаолиятларини бошлашди. Янги ўқув йилида эса 330 нафар иқтидорли ёш ўқишга қабул қилинди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ахборот-коммуникация технологиялари бўйича бир қанча кўргазмалар воситаларини, "Бизнесни Ривожлантириш Маркази" филиали ўқув жараёнида фойдаланиладиган стендларни, "Матбуот тарқатувчи" АК эса коллежимиз ахборот-ресурс марказига 12 номдаги зарур адабиётларни мустақиллик байрами олдидан ҳадя этди.

Коллежимиз ёшларга таълим-тарбия бериш билан бирга, аҳоли компьютер саводхонлигини ошириш, ўқувчи ва ўқитувчилар учун тил ўргатиш бўйича тўғарақлар ташкил этган. Фан тўғарақлари фаолият олиб бормоқда. Республика ва вилоят фан олимпиа-


дас совриндорлари бизда кўпчиликини ташкил этади. "ЎЗИ-Қарши" филиали ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини олиб боришда яқиндан ёрдам берса, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали томонидан махсус хона почта алоқаси тўғрисидаги кўргазмаларни қуроллар билан безатишган. ТАТУ Қарши филиалининг кафедраси фаолият олиб боради.

Вилоятдаги алоқа корхоналарига ўқувчиларимизни вақти-вақти билан яқиндан таништириш учун олиб бориш яқин йўлга қўйилган. Бундан ташқари, соҳа билимдонлари, фахрийлар билан учрашувлар ташкил этилиши ёшларимизнинг танлаган мутахассисликларига қизиқишлари ортшига сабаб бўлмоқда. Компютер синфларимиз Германия ҳамкорлик лойиҳаси асосида замонавий технологиялар билан жиҳозланган.

Йирик шаҳарларда ўтказилаётган спорт мусобақаларида ўқувчиларимиз доимо пешқадам. Коллежлар ўртасида ўтказиладиган турли беллашув ва мусобақаларда коллежимиз жамоаси юқори ўринларни қўлга киритиши билан ном қозонган.

Мақсадимиз — таълим олаётган ёшларимиз онгига мустақиллигимиз неъматларини сингдириш, уларни шу юрт равнақида муносиб ҳисса қўшадиган қомил инсонлар қилиб тарбиялашдир.

Равшан АБДУРАҲМОНОВ,  
Қарши ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори



Билимли киши нималарни сўзлайди, сен унга қулоқ сол, адаблар боши тилдир, уни тиймоқ зарур.

Аҳмад ЮҒНАКИЙ

АНОНС ОСНОВНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ НЕДЕЛИ  
ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

# INFOCOM 2012

С 24 по 28 сентября 2012 года в Ташкенте, Термезе и Навои состоится главное событие года в сфере ИКТ Узбекистана — Неделя информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) INFOCOM 2012, в рамках которой пройдут мероприятия, направленные на усовершенствование сферы ИКТ, представляющие интерес, как для специалистов отрасли связи, так и для посетителей широкого круга.

**Основные мероприятия в рамках Недели ИКТ INFOCOM 2012:**

- Церемония награждения победителей Интернет-фестиваля национального домена UZ 2012
- X Национальный Саммит по информационно-коммуникационным технологиям — ИКТ Саммит 2012
- Ежегодная Национальная выставка информационных технологий ICTExpo 2012



**Интернет-фестиваль  
национального домена .UZ  
2012**

**Церемония  
награждения  
победителей интернет-  
фестиваля  
национального  
домена uz 2012**

5 августа в Узбекистане стартовал интернет-фестиваль национального домена UZ 2012. Организаторами фестиваля выступают: Фонд "Форум культуры и искусства Узбекистана", Центр молодежных инициатив "Келажак овози" и Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM. Журнал infoCOM.UZ выступает в роли координатора фестиваля. Официальную поддержку фестивалю оказывает Узбекское агентство связи и информатизации.

В этом году фестиваль проходит с 5 августа по 24 сентября. Подведение итогов фестиваля будет проходить 24 сентября во Дворце творчества молодежи в первый день Недели информационных технологий INFOCOM 2012.

Главными задачами фестиваля, как и в прошлые годы, является популяризация сети интернет среди широких слоев населения Узбекистана, оказание помощи в развитии национального контента и расширение сферы применения узбекского языка в сети интернет.

В конкурсе может принимать участие сайт, действующий в течение всего периода проведения фестиваля и зарегистрированный в домене UZ. Выдвижение на участие в конкурсе может производиться членами жюри, владельцем сайта, любым желающим по форме регистрации, представленной на официальном сайте фестиваля [www.if.uz](http://www.if.uz). Срок подачи заявки на участие — с 5 августа по 5 сентября 2012 года.

Для оценки сайтов создается жюри из числа авторитетных специалистов в области интернет-технологий, искусства, культуры, государственного управления и других.

Конкурсная программа фестиваля включает в себя 10 тематических и 3 специальные номинации.

В конкурсную программу этого года включены специальные награды от национальной поисковой системы WWW.UZ для участников каждой из 10 тематических номинаций. Победите-

лями станут 10 сайтов, набравшие за определенный период наибольшее количество хостов среди участников каждой тематической номинации.

Главным отличием конкурсной программы фестиваля 2012 является введение новой специальной номинации: "Лучший сайт для семьи".

В каждой номинации присуждается первое, второе и третье места с вручением диплома и приза фестиваля. По решению жюри в отдельных номинациях может премия не присуждаться вообще, либо только за одно из мест. Призы и дипломы фестиваля вручаются владельцу сайта или его представителю. Церемония награждения победителей фестиваля состоится 24 сентября в Ташкенте во Дворце творчества молодежи.

Официальный сайт фестиваля [www.if.uz](http://www.if.uz)



**Национальный Саммит  
по информационно-  
коммуникационным технологиям  
2012**

**Юбилейный  
национальный ИКТ  
саммит пройдет  
25 сентября**

25 сентября в Ташкенте в рамках Недели информационно-коммуникационных технологий InfoCom 2012 состоится 10-й юбилейный ежегодный Национальный Саммит по информационно-коммуникационным технологиям.

Национальный ИКТ Саммит является одним из самых важных событий года в сфере ИКТ и ежегодно собирает ключевых участников сектора из Узбекистана, стран ближнего и дальнего зарубежья, которые заинтересованы в налаживании контактов и партнерских отношений, обсуждении последних достижений и обмене мнениями по актуальным вопросам развития ИКТ. В работе ИКТ Саммита этого года ожидается участие более 500 делегатов из Узбекистана и других стран.

Проводимый в столице Узбекистана уже в десятый раз, Национальный ИКТ Саммит откроет ежегодную Неделю информационно-коммуникационных технологий. Мероприятие будет проходить в здании Международного бизнес-центра по четырем тематическим направлениям: "ИКТ в государственном секторе", "Технологии, разработки и решения", "Интернет и информационные ресурсы" и "Информационно-библиотечные технологии". По заверше-

нии мероприятия будут приняты рекомендации и Резолюция Саммита.

На ИКТ Саммите будут представлены доклады на такие темы, как ИКТ в государственном управлении и экономике, регулятивная политика, электронное правительство, государственные ресурсы и системы, стандарты, информационная безопасность, интеллектуальная собственность, подготовка кадров, развитие медийного бизнеса, интернет-проекты, информационные ресурсы, медиапродукты, социальные сети, электронная коммерция, платежные системы, продукты, услуги и решения в области ИКТ, программное и аппаратное обеспечение, информационно-библиотечные технологии и ресурсы, инновационные разработки и другие.

Организаторами ИКТ Саммита 2012 года выступают Координационный Совет по развитию компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий, Комитет по вопросам информации и коммуникационных технологий Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан, Узбекское агентство связи и информатизации, Ассоциация предприятий и организаций информационных технологий Узбекистана и компания CIB GROUP.

● Генеральный спонсор Недели ИКТ InfoCom-2012 и Национальной ИКТ Саммита — Beeline Uzbekistan.

● Технические партнеры — АК "Узбектелеком" и ООО "Agata Impex Ltd".

● Медиапартнеры — IT-компания "Brand.uz", Центр UZINFOCOM и IT-издание "ICTNEWS".

● Информационные партнеры — ICTNEWS, infoCOM.UZ, Xabar, Megabyte, Gazeta.uz, Brandnews.uz, Muloqot.uz, Ziyonet.uz, uForum, Fikr.uz, uTube.uz, Tanlov.uz, WWW.UZ.

Заявку на регистрацию участника и выступление с докладом можно подать через веб-сайт мероприятия. Соответствующие документы и повестка для ИКТ Саммита 2012 доступны по адресу: [www.ictsummit.uz](http://www.ictsummit.uz)



**ЕЖЕГОДНАЯ НАЦИОНАЛЬНАЯ  
ВЫСТАВКА  
ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ  
ICTEXPO 2012**

**Ежегодная  
Национальная  
выставка  
информационных  
технологий  
ICTExpo 2012**

Дата проведения: 26-28 сентября 2012 г.  
Место проведения: г.Ташкент, "Кургазма Савдо Маркази", ул. Беруний, 41, станция метро "Беруний".

26-27 сентября 2012 г. — г. Термез  
26-27 сентября 2012 г. — г. Навои

Уровень развития информационных технологий на сегодняшний день стал одним из важных индикаторов развития стран и регионов во всем мире. Современные информационные технологии позволяют улучшить качество управления в секторе государственного управления и бизнеса, открывают новые возможности для образования, обеспечивают всеобщий доступ к знаниям и информации.

Наглядным подтверждением глобальности достигнутых страной результатов в

области развития информационных технологий является проводимая в рамках Недели информационно-коммуникационных технологий в период с 26 по 28 сентября 2012 года одновременно в трех городах: Ташкенте, Навои и Термезе ежегодная Национальная выставка информационных технологий ICTExpo 2012.

За годы своего проведения данная выставка собрала более 200 компаний со всего мира, представляющих продукцию и услуги собственного производства. Спектр специализации компаний-экспонентов весьма широк. Это уникальное мероприятие для встречи специалистов в области информационных и коммуникационных наук. Компании — участницы выставки продемонстрируют посетителям выставки новейшие разработки в сфере информационных технологий, представят широкий спектр оригинальных услуг и решений.

Так, на выставке будут представлены компании мобильной связи, провайдеры услуг связи и передачи данных, по сборке компьютерной техники, компании дилерской специализации и др. Отличительной особенностью выставки стала постоянно действующая веб-трансляция, установленная между выставками в Ташкенте, Навои и Термезе. Это позволит посетителям выставки ICTExpo 2012 в режиме реального времени ознакомиться с экспонатами, представленными на выставке, во всех трех городах одновременно.

Идея проведения выставки в сетевом масштабе, с подключением к столичной выставочной площадке выставок в двух других городах страны продиктована стремлением показать возросший региональный уровень проникновения информационных технологий.

Следует упомянуть и то, что 2012 год был объявлен в Узбекистане Годом семьи, бурное развитие сферы информационных технологий всячески способствует росту образования и информированности жителей современного Узбекистана, повышению профессионального уровня молодых специалистов во всех сферах народного хозяйства, созданию новых рабочих мест, повышению конкурентоспособности, финансовой устойчивости и инвестиционной активности субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства, ведь одной из главных целей ICTExpo 2012 является именно обмен опытом и укрепление связей между потребителями и предприятиями.

Ежегодная Национальная выставка информационных технологий ICTExpo 2012 проводится при официальной поддержке Комитета по вопросам информации и коммуникационных технологий Законодательной палаты Олий Мажлиса, Информационно-аналитического департамента по вопросам информационных систем и телекоммуникаций Кабинета Министров Республики Узбекистан и Узбекского агентства связи и информатизации.

Иштихон компьютер технологиялари касб-хунар коллежиди тадбирда алоқа корхонаси раҳбари билан биргаликда туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими мутахассиси, маҳалла оқсоқоли ва бошқа таклиф этилганлар сўзга чиқиб, йирилганларни байрам билан қизгин кутладилар. "Электромагнит мослашув маркази" давлат унитар корхонаси томонидан мазкур коллежда таълим олаётган кам таъминланган оилалар фарзандларидан 20 нафарига 820 минг сўмлик ўқув қуроллари тақдим этилди. Самарқанд ахборот технологиялари ва саноат касб-хунар коллежи ҳамда бошқа қолган 5та касб-хунар коллежларининг ҳар бирига "Ўзбектелеком" АК томонидан 1 731 750 сўмга тенг бўлган ишчи ҳолатидаги компьютер стенди, "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ томонидан соҳадаги коллежлар учун 13 турдаги 422716 сўмлик сисеий, бадийи ва методик қўлланмалар, А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилояти ахборот-кутубхона маркази томонидан 12 турдаги адабиётлар ҳамда CD-дисклар (ўқув қўлланмалари ва мултимедия) ёрдам тариқасида берилди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали томонидан Самарқанд ахборот технологиялари касб-хунар коллежига 1 850 000 сўм маблағ ажратилиб, коллежда алоҳида почта алоқаси хонаси тапшил этилди.

"Ўзи" ҚҚнинг Самарқанд шаҳар телекоммуникациялар боғламаси Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация касб-хунар коллежи учун 663 метр узунликдаги оптик толали замонавий алоқа линиясини барпо этди.

Соҳа коллежлари учун амалга оширилаётган бундай ишларда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва унинг, Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бош-қош бўлмоқда.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,  
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири



## Билимлар куни

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида Билимлар куни кенг нишонланди.

Янги ўқув йилининг бошланиш маросимида филиал профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари, алоқа корхоналарининг раҳбарлари иштирок этишди.

Йирилганларни филиал директори Одилбек Турғунов табриклаб, кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаб, Давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган биринчи босқич талабалари Феруз Нуралиев ҳамда Мафтуна Хуррамоваларга рамзий талаба рейтинг дафтари ва талабалик гувоҳномасини топширди.

Айни пайтда филиалда 688 нафар талаба таҳсил олмақда, шулардан 182 нафари 2012-2013 ўқув йилида талабаликка қабул қилинган ёшлардир.

Тантанали маросимдан сўнг талабалар "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" мавзудаги машғулотларда қатнашиш учун аудиториялар томон йўл олдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2011 йил 28 декабрдаги 3-сонли мажлиси қарори билан тасдиқланган "Давлат алоқа инспекцияси томонидан 2012 йилда ўтказиладиган текширишлар режа-жадвали" ҳамда Давлат алоқа инспекциясининг буйруғига асосан, жорий йилнинг апрелида "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ва филиал таркибига кирувчи Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ҳамда Вобкент ва Шофиркон туман телекоммуникациялар боғламаларида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига оид Ўзбекистон Республикасининг қонун ва норматив ҳужжатлари, давлат ва тармоқ стандартлари ҳамда лицензия келишуви битимлари талабларининг бажарилиши, алоқа хизматлари параметрлари ва сифат кўрсаткичларининг амалдаги меъёрларга мувофиқлиги буйича белгиланган тартибда режали назорат текшируви ўтказилди.

## Режали текшириш натижаси

Текширувда айрим ҳолатлар юзага чиқди. Хусусан, Вобкент ва Шофиркон туман телекоммуникациялар боғламаларига қарашли 5та кишлоқ телефон станциясининг кроссларида линияларда содир бўлган носозликларни аниқлаш учун ўлчов воситалари ўрнатилмаган. Шофиркон туман ТБдаги марказий телефон станциясининг автоматлаштирилган таъмирлаш бюросига шикастлинишлар тўғрисида тушган аризаларни ТФ2/2 абонент варақчаларига киритиш учун ажратилган компьютер носозлиги сабабли 2010-2011 йиллар давомида бирламчи аризалар абонент варақчаларига киритилмаган ва ҳисобга олинмаган. Шунингдек, 2010 йилнинг биринчи чораги давомида Вобкент туман ТБ раҳбари қабулида бўлган фуқаролардан тушган 10та мурожаат 2010 йил I-чорак шакл 16-алоқа (мурожаатлар) идоровий статистик ҳисоботида киритилмаган.

Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси томонидан 2012 йил давомида магистрал кабелларни техник меъёрларга келтириш чоратadbирлар режасига кўра, 7та магистрал кабеллар доимий ҳаво босими остига қўйилиши киритилган, режали текшириш жараёнида яна 5та магистрал кабеллар доимий ҳаво босими техник меъёр талабларига жавоб бермаслиги ва магистрал кабелларда носозликлар борлиги аниқланди. Мазкур кабеллардаги носозликларни бартараф этиш чора-таadbирлар режасига киритилди.

Бухоро шаҳар ТБ, Вобкент ва Шофиркон туман телекоммуникациялар боғламаларидаги 30та телефон қудуғи техник меъёрлар талабларига жавоб бермаслиги, алоқа симёғочла-

**Текшириш натижасида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш меъёрлари ва давлат, тармоқ стандартлари талабларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйган икки нафар раҳбарга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилди.**

рига ўрнатилган 14та тарқатиш қутиларидан чиқарилган ерга улаш симлари узилганлиги, шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари ҳудудларида 12та хавфли кесиммалар бартараф этилмаганлиги аниқланди. Аниқланган хавфли кесиммаларни бартараф этиш телекоммуникациялар боғламаларидаги хавфли кесиммаларни бартараф этиш чора-таadbирлар режасига киритилди.

Текшириш натижасида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш меъёрлари ва давлат, тармоқ стандартлари талабларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйган икки нафар раҳбарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексининг "Алоқа хизматининг сифатига доир нормалар ва давлат тармоқ стандартларини бузиш" 153-моддасига асосан алоқа хизматининг сифатига доир нормалар ва давлат, тармоқ стандартларини, давлат алоқа тармоғи билан боғланган симли электр алоқа воситалари, радионурланиш-

ри параметрларини бузганликларни учун маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилди.

Лицензия келишуви битимининг талабларини бажариш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда қонун талабларига риоя қилиш, ижро интизомини белгиланган тартиб асосида олиб бориш ва ижро назоратини қучайтириш, ҳар бир ходим ўз фаолиятига масъулият билан ёндашиши ва юклатилган вазифаларни сидкидилдан бажариши зарурлиги тўғрисида режали текшириш якунида ўтказилган йирилгишда филиал ходимларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига асосан тегишли тушунтиришлар ва тавсиялар берилди.

Ўтказилган режали текшириш натижасида "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиалида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатма берилди ҳамда унинг бажарилиши бўлима томонидан назоратга олинди.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали томонидан кўрсатмада ва текшириш далолатномада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-таadbирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, бутунги кунда ишлаб чиқилган чора-таadbирлар режасининг 50 фоизи бажарилган.

Хулоса ўрнида шунни айтиш жоизки, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар қонун ва норматив ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талаблари, лицензия ва сертификатлаштиришнинг белгиланган тартибларига риоя этган ва унинг талабларини бажарган, фуқаролардан тўшаётган мурожаатлар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тапшил қилингандагина алоқа соҳаси тараққий этади.


Б.РАЖАБОВ,  
Бухоро вилояти Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи

## Ватан тупроғи

Халқимиз ўзининг яна бир қутлуг байрами — Мустақиллигимизнинг 21 йиллигини нишонлади. Истиқлол шарофатидан Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси бахтиёр. Йигирма бир йилдирки, дунё бўйлаб мустақил Ўзбекистон мадҳиясининг улуғвор оҳанглари янграйди.

Шу масрурликдан илҳомланган Бобур номдаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази ЎзААА Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси, Андижон Давлат университети ҳамда "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда "Ватан, тупроғинг кўзимга айлай тўтиё" мавзусида анжуман ташкил этди. Тадбирда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси вилоят филиали ҳамда Ахборот ва компютер технологиялари коллежи ходимлари иштирок этдилар.

Анжуманда дастлаб вилоят АКМ директори Гулнорахон Исмоилова, ЎзААА Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Лазизбек Усмоновлар сўзга чиқиб, барчани байрам билан табриклашди.



мустақиллик даврида эришилган ютуқлар, уларни асраб-авайлаб, келажақ авлодга етказиш зарурлиги ҳақида гапиришди.

Шундан сўнг "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вило-

ят бўлими раиси Ўқтамжон Баратов "Мустақиллик берган имкониятлар" мавзусида гапирди.

Андижон Давлат университети "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси катта ўқитувчиси Зоҳиджон Ҳайитматов "Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг улуғвор йўналишлари" мавзусидаги маърузаси билан иштирок этди. Шу кафедра ўқитувчиси Хуршидбек Хўжамбердиев эса "2012 йилда республикамиз ва вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар" мавзусида маъруза ўқиди.

АКМ ходимлари томонидан тадбирга бағишланган "Истиқлоли нурафшон эл" мавзусидаги адабиётлар кўргазмаси тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Тадбир давомида маърузачилар йирилганлари қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

**Насибхон АЗИМОВА,**  
АКМ 1-тоифали кутубхоначиси

## Истеъдодли талаба

ТАТУ Фарғона филиали телекоммуникация факултети 4-босқич талабаси Дилноза Ҳақимова ўзи тарбияланган Марғилон шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйининг расмий веб-сайти (www.MDM1.uz)ни яратди ва ушбу лойиҳаси билан "BEST SOFT UZBEKISTAN 2012" миллий дастурий маҳсулотлар кўргазмасида мутлақ голибликни қўлга киритди.

Дилноза вилоят, республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловларда, кўргазмаларда ҳам иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Д.Ҳақимова Меҳрибонлик уйида таълим олиб, Фарғона политехника институти қошидаги академик лицейни битирди ва ТАТУ Фарғона филиалида ўқишни давом эттирмоқда. Яқинда ТАТУ Фарғона филиали телекоммуникация факултети, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши томонидан унга эсдалик совғалари топширилди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

## Китобсевар оила

Хоразм вилоят ахборот-кутубхона марказида вилоят АКМ ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Хоразм вилоят бўлими билан ҳамкорликда Мустаҳкам оила йилигига бағишланган "Китобсевар оила" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирни вилоят ахборот-кутубхона марказининг директор ўринбосари Э.Ҳамидуллоева очди. Унинг маълумот беришича, ҳозирги кунга келиб марказнинг ахборот ҳужжатлари фондида турли соҳаларга оид 600 мингта яқин адабиётлар, электрон каталогга 38576 номда 124691 нусхадаги ахборот ҳужжатлари киритилган. Соҳага замонавий технологияларнинг кириб келиши натижасида 300дан зиёд китобларнинг электрон шакллари яратилган, 2 мингдан зиёд ноёб адабиётлар мавжуд, шулардан 600дан ортиғи ноёб китоб ва қўлёзмалар бўлиб, марказнинг китоб жамғармасини сақлаш бўлимида фойдаланувчилар учун 1940 йилдан шу кунгача чоп этилган газета ва журналлар билан танишиш имконияти яратилган. Интернет ва "ZiyoNET" тармоқларида олинган ҳамда марказ ресурслари асосида тўпланган онлайн базасининг шакллантирилиши фойдаланувчилар учун анча қулайликлар туғдирмоқда. Ўз-ўзидан китобсевар оилалар сони кўпайиб борапти. Жумладан, Арслон Исаев, Курбонжон Матчонов, Муяссар Яхшимуродовалар оилалари кўп йиллардан буён фарзандлари билан кутубхонага доимий аъзо бўлиб келишяпти.

Тадбирда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Хоразм вилояти бўлими масъул котиби Шухрат Бекчанов китобсевар оилалар аъзоларига эсдалик совғаларини топширди.

Тадбир охирида Хоразм вилоят ахборот-кутубхона маркази кутубхоналараро абонемент сектори мудири А.Ҳожиева Мустаҳкам оила йилигига бағишланган китоб кўргазмаси шарҳини ўтказди.

**И.СОДИҚОВ,**  
АКМ бош кутубхоначиси

### Ўқ.нат

Агар сўз ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлса, ўзига ёки эшитувчига бир фойда чиқадурган бўлмаса, асаларилар орасида гўнғиллаб юрган қовоғари каби қуруқ гўнғилламоқ, фақат бош огриғидан бошқа бир нарса эмасдир.

**Абдулла АВЛОНИЙ**



## Кўрик-танлов

Мустаҳкам оила йили доирасида А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази ходимлари ўртасида "Ўзбек оиласида урф-одатлар" номи кўрик-танлов ташкил этилди. Бундан мақсад, ўзбек оилаларида урф-одатлар, анъаналаримизга эътибор ҳамда муомала одоби, маданият, касбий одоб, ахлоқий тарбия масалаларини чуқурроқ тарғибот этишдан иборат.

Кўрик-танловдан таништириш, "Менинг бахтли оилам" номи мултимедия тақдими, билангонлар беллашуви, оила, урф-одат, маданият мавзуларида тайёрланган саволларга тез жавоб

бериш, "Оиламнинг сеvimли таоми", "Мустаҳкам оила формуласи" шартлари ўрин олиб, унда АКМ ходимларидан Мастура Ҳантбоева, Умида Нажмиева, Зарина Жунаидова, Гулсара Мухторовалар иштирок этишди.

"Энг оқила уй бекаси", "Энг сабрли уй бекаси", "Зиёлилар уйи бекаси", "Шарқона оила бекаси" номинациялари бўйича голибликни қўлга киритган иштирокчилар АКМ раҳбарияти томонидан фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

**Маҳбуба КУЛОВА,**  
АКМ бўлим мудири

## Ўлкашунослик ресурслари

Шу мавзуда А.Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида семинар ўқув машғулотли бўлиб ўтди.

Машғулотни АКМ директори ўринбосари Ш.Бақоева очиб берди. Ўлкашунослик сектори бўлими мудири Дилбар Жониева "Ўлкашунослик ресурслари ва уларни яратиш" дастури асосида, Зўҳра Бобоназарова эса "Маҳаллий арбоблар ҳақидаги библиографик кўрсаткич, қўлланма, луғат" мавзуларида маърузалар ўқишди.

Фойдаланувчилар томонидан ўлкамиз тарихига, маданиятига қизиқувчилар сони кундан-кунга ошиб бораётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Буларни инobatта олган ҳолда вилоятимиздаги тарихий қадамжолар тўғрисида вилоят телевидениеси билан ҳамкорликда "Муқаддас қадамжолар" мавзусида мултимедия яратилди. Мултимедияда Кармана туманидаги қадамжолар — Қосим Шайх мақбараси, Работи Малик қўрғони, Қизилтепа туманидаги Оқ Масжид зиёратгоҳи, Хатирчи туманидаги Санги жуман зиёратгоҳи, Нурота Чашма табиий меъморий мажмуаси, Нур қалъаси, Навбахор туманидаги Сармишсой табиий-археологик мажмуаси ҳақида вилоят ўлкашунослари томонидан маълумотлар берилган.

Эркин иқтисодий-индустриал зона вилоятимиз фаҳрига айланиб бораётир. Шунининobatта олиб, вилоят ахборот-кутубхона маркази ўлкашунослик сектори китобхоналар талабини ўрганиб чиқиб, "Дунёни чорлаётган Навоий" мавзусида Навоий телевидениеси билан ҳамкорликда мултимедия яратди.

**Х.ХЎЖАМОВА,**  
АКМ илмий-услубият бўлими бош кутубхоначиси

Лобар Ғофурова Оққўрғон почта алоқаси тармоғининг саралаш бўлими оператори. Унинг бу вазифада ишлаётганига энди бир йилдан ошди. Лекин шу қисқа фурсат ичида у ўзининг ишга чанқоқлиги, компютер техникасини яхши ўзлаштирганлиги, ширин муомаласи туфайли кўпчиликлик жамоанинг хурмат-этиборини қозона олди.

Лобар Ғофурова тақдири истикбол билан боғлиқ минглаб бахтиёр ёшларнинг бири. Ўқитувчиликни ўзи учун шараф деб билган Одилжон ҳамда ҳаётини фарзандлари тарбиясига бахшида этган Муҳайёонларнинг кенжа фарзанди. Мехнатсеварликни, эл иши учун фидойиликни ота-онасидан ва икки опасидан ўрганган. Шу сабаб зиммасидаги вазифани виждонан бажаради, ўқиш-изланишдан чарчамайди. Айниқса, компютернинг чексиз имкониятларидан унумли фойдаланишни яхши билади. Коллежда ўқиб юрган пайтларида устозлари шунга ўргатишган.

— Барча ишларимни POST дастури асосида олиб бораман, — дейди Лобар билафонлик билан. — Ушбу дастур почтани рўйхатга олишга мўлжалланган бўлиб, почтага кириш ва чиқиш компютер орқали амалга оширилади. Яъни, почтага келган ва чиқаётган барча хатлар аввал сараланиб, компютер орқали рўйхатга олинади ва сўнгра эгаларига етказилади. Бирорта хат эътиборсиз қолмайди.


Лобар ишга келган пайтида хурсандчилик билан қўтиб олган аҳил жамоа аъзолари ҳақида мамнуният билан сўзлади. Айниқса, ишни тез ўзлашти-



## Ойдин орзулар

риб олишида Феруза Ўрозбоевнинг яқиндан, бегараз ёрдами, жамоада ўзи тенги ёшларнинг кўпчилигини ташкил этиши, уларга почта раҳбариятининг самимий муносабати ва етарли шароит яратиб бераётгани ҳақида тўлқинланиб гапирди. Келгусида соҳа бўйича олий ўқув юртига кириш нияти борлигини ҳам яширмади.

— Лобар каби ёшларга ишонса бўлади, — дейди Оққўрғон почта алоқаси тармоғи бошлиғи Хусниддин Ботиров. — Улар замон талабига мос равишда



Бугунги кунгача Хонобод, Алимкент, Қўрғонтепа алоқа бўлимлари иши компютерлар зиммасига юклатилган. Аста-секин қолган алоқа бўлимлари ҳам ана шундай техникаларга эга бўлади.

ахборот технологияларини тез ва пухта ўзлаштириб олишади. Алоқа бўлимларимизни компютерлаштиришга жиддий эътибор қаратяпмиз. Бугунги кунгача Хонобод, Алимкент, Қўрғонтепа алоқа бўлимлари иши компютерлар зиммасига юклатилган. Аста-секин қолган алоқа бўлимлари ҳам ана шундай техникаларга эга бўлади. Уларни ишлата оладиган, почтага оид меъёрий ҳужжатларни эсдан чиқармайдиган ёшларни кадрлаймиз, албатта. Зеро, бугунги кунда иш жараёнида 100дан ортиқ ана шундай ҳужжатлар мавжуд. Уларни яхши билган, тўлиқ амал қилган ходимгина бугунги кун талабига жавоб бера олади.

— Истиқлол йилларида тувилган менинг бахтим, — дейди Лобар. — Отанамнинг гапларига қараганда илгари чет элларда яшовчи одамлар ҳаёти, меҳнат фаолияти ҳақида билишнинг иложи бўлмаган экан. Хозир интернет орқали ҳар бир давлат аҳолиси, почта янгиликлари ҳақида билиб олишимиз мумкин. Тил ўрганиш учун ҳам катта имконият бор. Шундай экан, бизнинг вазифамиз ўз устимида тинмай изланиб, ишда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритишдан иборат, деб ўйлайман. Орузларим эса улкан. Ўзимнинг камтарона меҳнатим билан корхонамиз ҳамда республикамиз ривожига муносиб ҳисса қўша олсам ота-онамга муносиб фарзанд бўлган бўлардим.

Лобарнинг орзулари амалга ошишига биз ҳам тилакдошимиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Касаба уюшмаси кўмитаси раиси деганда кўз ўнгимизда жамоа юмушлари билан елиб-югурадиган толмас инсон намойён бўлади. "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали касаба уюшмаси кўмитаси раиси Хусанбой ака Абдурахимов ҳам шундайлар сирасидан.

У алоқа соҳасига ҳайдовчи бўлиб ишга келган 1978 йилдан буён шу вазифани ҳам ўзига касб-кор қилиб олган, десак асло муболага бўлмайди. Одамлар қувончи — унинг қувончи, ташвиши — унинг ташвиши. Ходимларнинг иссиқ-совуқ кунларида ёнида бўлиш — бурчи. Шиори: ҳар бир ходим жамоа шартномасидаги шартларга риоя этсин, ҳалол ва виждонан ишласин, шунга яраша манфаатдор бўлсин, имтиёزلардан фойдалансин, корхона тараққиётига ҳисса қўшиб, асло кам бўлмасин.

Кечагина у жамоа аъзолари фарзандларини соғломлаштириш масаласи билан банд эди. Болажонларни оромгоҳларга жалб қилиш, оромгоҳларга олиб бориш, олиб келиш, ота-оналарга топишириш... Айтишгагина осон. Лекин у бунга қўниб кетган. Кунларини шундай жонсарақликларсиз тасаввур ҳам қилолмайди. Зотан, болажонларимиз катта ҳаёт майдонига қучли тан, соғлом фикр ва чиройли ахлоқ билан боришлари учун жон қуйдириш унинг энг муҳим ишларидан биридир. Бунда оромгоҳларнинг ўрни бекиёс эканлиги унга

## Юраги бамисоли чашма ҳаммага фақат эзгуликлар улашади

кўп йиллик тажрибасидан маълум. Ахир бу олий мақсадга бежиз улкан сармоялар ажратилмапти.

Жамоа аъзоларининг саломатликлари тўғрисида қайғуриш ҳам кундалик иши. Кимдир сихаттоҳда соғлигини тиклаш, кимдир даволаниш учун дори-дармон олишда ёрдам кўрсатиш юзасидан мурожаат қилади. Ҳаммага ҳам баҳолиқудрат кўмаклашиб юборсам, дейди. Аризаларни ҳолис кўриб чиқишга, касаба уюшмаси кенгаши аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини биланлаштирилади. Кимдир ҳар йили санаторийларга борсам деса, кимдир, бепул йўлланма берайлик, бориб ҳордиғингизни чиқариб келинг, деса ҳам, таътил даврида фалон-фалон ишларим қўтиб турибди-да, дея иккиланади. Шундай вазиятларда адолат мезонлари асосида иш кўрилиб, ҳодим йўллангани зўр мамнуният билан қўлига олган пайтда қахрамонимиз ўша ходимдан ҳам кўра кўпроқ хурсанд бўлганига ўзим ҳам бир неча бор гувоҳ бўлганман.

Шу йил июн ойининг сўнгги кунларида бунга яна бир марта ишонч ҳосил қилдик. Катта нозир Комилахон Мамажоновани фахрийликка кузатиш тантанасида филиал раҳбарлари узоқ йиллик самарали меҳнатлари ҳамда ўзи каби вазмин, мулоҳазали, иши пухта икки қизни ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбиялаб, алоқачилар сафига қўшганлиги учун миннатдорлик изҳор этилган

лаҳзалар йиғилганларни беҳад мамнун этди. Бинобарин, донишмандлик ёшига ҳам етган бор, етмаган бор. Тан олайлик, фахрийлик ҳам ҳаммага насиб этавермайдиган бахт-саодатдир аслида. Айниқса, онажонларига фахрийликнинг дастлабки кунлари энг нуфузли ҳисобланган "Чимён" сихаттоҳида дам олиши учун бепул йўлланма ажратилгани Нарғизахон ва Фотимахонларни ниҳоятда қувонтирди.

Хусанбой Абдурахимов ходимлардан 7 нафари "Турон", "Ботаника", "Чортқоқ" ва "Чимён" санаторийларида соғлиқларини анча яхшилаб қайтганидан мамнун. "Яқинда Қўқондан Фарҳоджон Соидов "Турон"да, Қўштепадан Ўғилрой Юнусова "Ботаника" сихаттоҳларида чарқоқлари ариб, янгиланиб келишганини айтиб, кўнғироқ қилишди, — дейди у севингани яширолмай. — Йил охиригача яна 5 нафар ходимга сихаттоҳларга йўлланмалар берамиз. Бардамлашиб, соғломлашиб келишимиз."

— Мен кадрдон меҳнат жамоамни жуда яхши кўраман, — дейди у суҳбатимиз якунида. — Шундай солиҳ раҳбарлар ва ходимлар билан ишлашга сазовор этганидан шукронадаман. АТПС-4да, "Алоқасервис"да, 2006 йилдан филиалда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда фаолият кўрсатиб келяпман. Телекоммуникация ривожини йўлидаги ишларга оздир-қўндир ҳисса қўшганим билан фахрланаман.

Хусанбой ака ота-онаси ўқитувчи бўлишгани билан, опалари, аммалари, турмуш ўртоғи Эътиборхоннинг педагог эканлиги билан ҳам фахрланади. Қизлари Нарғизахон, Шохистахон ва Шарифахонлар ҳам олий маълумотли педагог номини фидокорона меҳнатлари билан шарафлаб келмоқдалар.

Ўрни келганда қахрамонимизнинг яна бир фазилати ҳақида эслаб ўтиш жоиз. Байрамлара тўй-томоша, юбилейлар унинг қайноқ дилидан тўқилган шеърларсиз ўтмайди. Атайлаб ўтириб шеър ёзмайди, ўзидан-ўзи кўнғил гулшанидан оқиб келверади. "Энди шеърдан бўлсин!" дейишди хуш-хандонлик билан ва у сўз уммонидан дур излаб, давраларга файз киритади. Шундай дақиқаларда ҳар қандай мукофотлардан ҳам эҳтиром ва эъзозларга йўғрилган сўз қудрати бор бўйи билан намойён бўлади.

Барча-барчани таваллуд айёмларини суянчи кунларида қўтлаб юрадиган қахрамонимизни "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси 55 ёши билан табрикламоқда. Алоқачи-шоиримиз эса уларга 8 нафар шириндан-шакар невараларига атаб ёзган ижод намуналаридан ўқиб бермоқчи.

Биз ҳам фарзандларингиз роҳатини кўринг, Хусанбой ака, дейимиз.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,

"Xabar"нинг

Фарғона вилоятидаги мухбири

**Табриклиаймиз!**

"Ўзбектелеком" АК Қорақаллоғистон Республикаси филиали жамоаси телеграф бўлими мутахассиси Талғат БАЕҲУОВНИ 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклаб, унга мустахкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали, вилоят алоқа ходимлари билан касаба уюшмаси кўмитаси, Қорақўл туман телекоммуникациялар боғламаси жамоалари ушбу боғлама АТС муҳандиси Хусен МАНСУРОВ ҳамда электромонтёр Шермат РЎЗИЕВЛАРНИ муборак 60 ёши билан табриклиайди. Уларга соғ-омонлик, узоқ умр, фарзандлари роҳатини кўришликни тилайди.

Ўзбектелеком



**ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**қуйидаги лавозимларга  
танлов эълон қилади:**

**Кафедра мудири:**

Мултимедиа технологиялари; Ахборот технологиялари; Телекоммуникация тармоқлари ва коммуникация тизимлари.

**Профессор:**

Телевидение ва радиоэшиттириш — 1.

**Доцент:**

Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти — 1.

**Катта ўқитувчилар:**

Компютер графикаси ва дизайн — 1, Менежмент ва маркетинг — 2, Физика — 2, Телекоммуникация узатиш тизимлари — 1, Телекоммуникация тармоқлари ва коммуникация тизимлари — 2, Чет тиллари — 1, Ўзбекистон тарихи — 1, Ўзбек ва рус тиллари — 1, Фалсафа — 1, Информатика — 1.

**Ассистент (ўқитувчи)лар:**

Жисмоний тарбия ва спорт — 1, Ўзбек ва рус тиллари — 1, Алоқа қурилмаларининг электр таъминоти — 1, Техник таълим педагогикаси — 1, Телекоммуникация тармоқлари ва коммуникация тизимлари — 1, Информатика — 1, Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти — 1.

Арзалаэр эълон чош этилган кундан бошлаб бир ой ичда қабул қилинади. Танловда кўрсатишган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри,  
Азир Темур кўчаси, 108-уй.  
Телефон: 238—64—06.

**SPORT**

**ПАРАЛИМПИАДА**

Лондон шаҳрида давом этаётган Паралимпия ўйинларида дзюдо бўйича 73 килограммгача бўлган полвоилар баҳсида ҳамюртимиз Шариф Халилов кумуш медални қўлга киритди.

100 метрга баттерфляй усулда сузиш баҳсларида эса спортчимиз Кирилл Панков белгиланган масофани 59,37 сонияда сузиб ўтиб, олтинчи ўринни эгаллади. Бу натижа Осиёнинг янги рекорди сифатида қайд этилди.

**БОКС**

Россияда бокс бўйича ўтган халқаро турнирда 91 килограмм вази тоифасидаги беллашуларда Мирзохид Абдуллаев барча рақибларини мағлубиятта учратиб, шохсупанинг энг юқори повонасидан жой олди. Терма жамоамиз ҳисобига иккинчи олтин медални келтирган Хасанбой Дўстматов 49 килограмм вази тоифасидаги учрашуларда рақибларини катта усунлик билан енгди.

**ШАХМАТ**

Туркиянинг Истанбул шаҳрида давом этаётган 40-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси 7-турдан кейин 9-ўринга кўтарилиб олган эди, аммо 8-турда Арманистон терма жамоасига мағлубиятта учраган шахматчиларимиз 18-ўринга тушиб кетишди. Терма жамоамиз 8та ўйинда 5та ғалаба, 1та дуранг ва 2та мағлубият қайд этиб, 11 очко жамғариб туришибди.

Ўзбекистон қизлар терма жамоаси эса кучли рақиблардан бири Венгрияни мағлубиятта учратишга муваффақ бўлди ва муСОбака жадвалида 5-ўринга кўтарилиб олди! Улар ҳисобида 8-турдан кейин 13 очко бор (6та ғалаба, 1та дуранг ва 1 мағлубият).

**СУВ ПОЛОСИ**

Сув полоси бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди. Олма-Отада бўлиб ўтган Осиё чемпионатида бронза медалига эга чиққан ўсмирларимиз энди жаҳон чемпионатида ҳам қатнашади.

Бир неча кун олдин Ўзбекистонлик қизлар ҳам Осиё чемпионатида 2-ўринни эгаллаган ҳолда, ЖЧ йўлланмасига эга бўлишганли.

**ФУТБОЛ**

Бугун Ўзбекистон миллий терма жамоаси Кувайт терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказди. Учрашув соат 18.00да бошланади.

11 сентябр кунин эса терма жамоамиз ЖЧ-2012 саралаш доирасида Жанубий Корея термаси билан ўта муҳим бўлган баҳсда майдонга тушади.

Соҳа йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ёнгин хавфсизлиги ходимлари томонидан жойларда турли тадбирлар олиб борилмоқда. Ушбу тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтирган ҳолда, уларга риоя этишга, ёнгиннинг олдини олишга эътибор қаратишдан иборат.

**Доимо ҳушёр  
бўлайлик!**

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, олов билан курашиш фақатгина ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз ўйингни ўзинг асра!" шиори ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, ҳар бир корхона ва муассаса жамоасига тааллуқли.

Аҳолига ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш борасида, чунончи, очик алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш, қўлбола асбоблардан фойдаланмаслик, фақатгина белгиланган жойларда кекиш мумкинлигини эслаб ўтамиз. Ушбу қоидаларга доим риоя қилиб борилса, йиллаб тўпланган мол-мулкни, уй-жойни сақлаб қолиш, қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзининг ва яқин кишиларининг ҳаётини ҳам асраб қолган бўлади.

Болаларимизга тўғри тарбия бериб, ватанимизга содик, ҳар томонлама етуқ инсон бўлиб камол топишига ҳисса қўиши ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Шундай экан, ҳамиша фарзандларимиздан насихатимизни, ҳаёт учун керакли сабақларимизни аямайлик. Ҳеч ким ўз фарзандининг ногирон бўлиб қолишини истамайди, албатта. Ёнгин эса бир неча сонияда инсонларни мол-мулкдан, яқинларидан ҳам ажратиб юборадиган бир офатдир. Содир бўладиган ёнгинлар неча-неча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Бу эса бепарволигимиз, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида рўй бериши мумкин. Шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида барча-барчани доимо ҳушёрликка, огохликка чақирамиз.

**Жамшид БЕРДИЕВ,**

**Тошкент шаҳар 12-ХҲХО кичик инспектори**

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ**

Маълум қиладики, Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самаралорлигини ошириш бўйича идораларо мувофиқлаштириш комиссиясининг 2012 йил 31 июлдаги 08-22-18-сон хатига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунининг 31-модда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 30 октябрда 1420-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Ўзбекистон Республикасида кабелли, эфир-кабелли телевидение тўғрисидаги Вақтинчалик Низом" ва лицензия шартномасининг талабларини мунтазам равишда бузиб келаётганлиги сабабли, "KOINOT-TV" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини (кабелли телевидение) кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000964 рақамли лицензиянинг; "KOINOT-TV" масъулияти чеклан-

ган жамият томонидан "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 30 октябрда 1420-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Ўзбекистон Республикасида кабелли, эфир-кабелли телевидение тўғрисидаги Вақтинчалик Низом" ва лицензия шартномасининг талабларини мунтазам равишда бузиб келаётганлиги сабабли, "KOINOT-TV" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини (кабелли телевидение) кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000226 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2012 йил 31 августдан 10 иш кунига тўхтатилди. "DUPLEX TEL" масъулияти чекланган жамиятининг 2012 йил 28 июлдаги 62/12-сон хатига асосан маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига

2007 йил 2 июлда берилган АА серияли 0002054 рақамли лицензиянинг амал қилишини 2012 йил 30 августдан тугатиш ва мазкур лицензиянинг муддатига мос равишда маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23 ва 52-бандларига асосан "MAFTUN ISHONCH BIZNES" хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003984 рақамли лицензия бекор қилинди.

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

<p>"Ўзбектелеком" АҚ Фарғона филиали жамоаси Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Шарифжон Ҳожиккуловга волидаи муҳтарамаси <b>Саодатхон ая ОЛМОНОВА</b>нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия иҳзор этади.</p>	<p>"Ўзбектелеком" АҚ Фарғона филиали жамоаси филиал компютерлаштирилиш ва ҳисоблаш маркази бошлиғи Муҳаммадjon Нормирзаевга укаси <b>Абдутолиб НОРМИРЗАЕВ</b>нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>	<p>"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ жамоаси қорхонанинг назорат-таҳлил ишларини мувофиқлаштириш гуруҳи етакчи муҳандиси Музаффар Авазбоевга отаси <b>Аҳмад АВАЗБОЕВ</b>нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.</p>
---	---	---

**ЭЪЛОН!**

**ТДТУ қошидаги 3-сонли академик лицей биносига жойлашган ошхона тендер асосида ижарага берилади.**

**Мурожаат учун телефон: 265-06-56.**

**MUZEY ZALLARI BO'YLAB**



**M-60 русумли 1950-1960 йиллар коммутатори**

Маълумки, коммутатор маълумотлар узатиш мумкин бўлган йўналишлардан бирини танлашни амалга оширадиган қурилма. Коммутатор коммуникация тармоғидаги қайта узатиш тизимининг оддий туридир. Унда маълумотларга бирор бир ишлов берилмасдан уланиш амалга оширилади.

Коммутаторда ҳар бир абонент ўз штекери ва индикаторига эга бўлиб, штекер алоқани амалга ошириш учун восита, индикатор эса абонент томонидан линияга сўров келганини аниқлаш учун хизмат қилади.

XX асрда қўл билан бошқарилган телефон станциялари, шаҳарлараро алоқа коммутаторлари фойдаланишда бўлган.

**NAZM**

*Келақол, эй, гўзалим*

Кўкдам кучоғини очди,  
Учиб келди булбулим.  
Офтоб ифорин сочди,  
Яйради хумор дилим.

Ҳислар кўшириб тошди,  
Гуллар атрин ёйдилар.  
Юрагимни талашди  
Тонг чоғи хур парилар.

Сени кутиб толиқдим,  
Келақол, эй, гўзалим...

*Сени кутдим,  
кутаман...*

Мендек ишлаб, толиқиб,  
Етиб келди учқур той.  
Изимда армон ютиб,  
Маъёс йиғлаб қолди сой...

Ҳазин сайраб булбулим,  
Кўзлар сени излайди.  
Япрок тўқар ишқ гулин,  
Армон ҳисни тезлайди.

Кутдим, кутдим, кутаман,  
Кутмай энди нетаман...

Саодат АБДУҚОДИР қизи

Рим императори	«Ревизор» асаридagi персонаж	Уқ отини куроли (Урта асрлар)							Қул (Жап. Америка)
		Музтоғи		Қумтөпа					
Чанқов-босди ичимлик	Х			Минерал тури					
				Немис композитори					
Сабзавот	Ҳарбий пилота транспорти	Егоч қириндиси							
				Эки ёзув					
Ямайка пойтахти	Ҳарбий қароргоҳ	Дажла (Ирок)			Фириб, сехр	Япон пули			
				Тасвир, сурат	Езуачининг иши			Мартин ...	Балиқ тури
		Шеърлар тўқлами (муғтоз адабиёт)				Тана қисми			
				Тропик мева	Оқ-қора			Ег (дагтоқ, қиё)	Швейцариядаги дарё
	Рус автоси	Мултфилм қаҳрамони				...-луи	Давр		
				Қушларнинг эркаги	Байкал тўлени				
	Картошка нави	Венера ва Марснинг қўшниси	Хитойдаги порт-шаҳар				Мушиқчилар "алифбоси"	Асп	
					Бўғини қасаллиги				
	Юнон ҳарфи	Эстониядаги шаҳар					"Биофиларан" кимёвий эламент		

**ҲАҲА**

**ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР**



- Кийимингизда доғ пайдо бўлган бўлса, ташвиш чекманг. Уни картошка крахмали кетказди. Бунинг учун кийимнинг доғ жойини ҳўллаб, кейин уни крахмал билан ишқаланг. Сўнгра совуқ сувда чайинг.
- Эмалланган идишингиз тагига олиб, унда куйик пайдо бўлган бўлса, идишга сув ва бир оз туз солиб қайнатинг. Сувнинг қайнаши давомида идиш тагида хосил бўлган куйик шишади ва уни осон тозалаш мумкин бўлади.
- Тилла суви югуртирилган шиша идишларни илик сувда ювиб, зигир толадан тўқилган мато (лен ) билан қуригунча артинг.

**Ханга**

Боксчи дўстига шикоятомуз деди:  
— Кечаси кўчада юриш кийин бўлиб қолди. Кеча уйга кетаётсам, бир йўлтўсар ҳамла қилиб қолса бўладим. Ярамас пулларимни, соатимни тортиб олди.  
— Адамасам, сенинг бокс бўйича чемпионлик медалини бор-ку!  
— Яхшим медали топа олмади.

<p><b>Xabar</b></p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>	<p><b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Хурияд МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДХОДЖАЕВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОҶОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>			<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b></p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p>
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўричилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>			<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.</p>
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Г-952 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 14818 нусха.</p>	
<p>Вилоят муҳбирлари:</p> <p>Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 232-97-86 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганчда 226-37-16 Фарғонада 224-91-56 Қаршида 931-08-99</p>		<p><b>ISSN 2010-6424</b></p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>		